

ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 2
2020

- ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖОЙИДАН УЗУНЛИККА САКРАШ ВА 30 М
МАСОФАГА ЮГУРИШ ТЕСТ-МАШҚЛАРИ АСОСИДА ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ СОЛИШТИРМА ТАВСИФЛАШ.....184
34. ХУСАИНОВА Р.А., СУЛТОНОВА Р.Х., ОЛИМОВА Ш.
ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ВИСМУТА С
БИОЛОГИЧЕСКИМИ АКТИВНЫМИ ЛИГАНДАМИ195
35. ХУСАНОВ И.И., ХАМЗАЕВА Н.Т. КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИ
КАСАЛЛИГИНИНГ ТУРЛИ ЁШ ГУРУҲЛАРИ ЎРТАСИДА
ТАРҚАЛГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-
ТАДБИРЛАР.....198
36. ШОДИЕВ Г.Б., КАРИМОВА Р.А., ИСКАНДАРОВА М.И., РАЙИМОВ
С.З., ДАВЛЕТОВА С.Д., ТОЖИЕВ Р.М. АСПЕКТЫ СУДЕБНО-
МЕДИЦИНСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ
ПОВРЕЖДЕНИЙ.....203
37. ШОДИЕВ Г.Б., КАМАЛОВ Ш.Ш., ХАСАНОВА Д.Ю., ҚАРШИБОВ
Х.А., ЭЛЬМУРАДОВ З.Э. ГЎДАКЛАРНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЎЛИМИДА
ПНЕВМОПАТИЯЛАРНИНГ АХАМИЯТИ.....210
38. ШОМАКСУДОВА М.О., ТУЛАГАНОВ А.А., НАЗИРОВА Я.Қ. ЁКМА
ЗАЪФАРОН ХОМ АШЁСИНИ МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИГИНИ
ЎРГАНИШ.....215
39. ЭГАМОВА Ф.Р., ХИДОЯТОВА Ш.К., САИДХОДЖАЕВА Д.М.,
САГДУЛЛАЕВ Ш.Ш., ГУСАКОВА С.Д., ХУШБАКТОВА З.А.,
ЛЕВИЦКАЯ Ю.В., СЫРОВ В. Н. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ ОЦЕНКА
ЭФФЕКТИВНОСТИ НАТИВНОЙ СУБСТАНЦИИ ЭКДИСТЕРОНА И ЕГО
ЛИПОСОМАЛЬНОЙ ФОРМЫ В КАЧЕСТВЕ СРЕДСТВ,
ПОВЫШАЮЩИХ ОБЩУЮ НЕСПЕЦИФИЧЕСКУЮ
СОПРОТИВЛЯЕМОСТЬ ОРГАНИЗМА.....220
40. ЭРКИНОВА Ш.Б., БАБАХАНОВ Б.Х., ДЖАЛАЛОВ С.Ч. ОБЗОР
КЛИНИЧЕСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ЛЕЧЕНИЯ ГИДРОЦЕФАЛИИ С
ЭНДОСКОПИЧЕСКОЙ ВЕНТРИКУЛОСТОМИЕЙ В СРАВНЕНИИ С
ВЕНТРИКУЛОПЕРИТОНАЛЬНЫМ ШУНТИРОВАНИЕМ.....226
41. ЭШБАДАЛОВ Х.Ю., МАХКАМОВА Ф.Т., ПУЛАТОВ Н.Х., ЮСУПОВ
Н.Ш., ФАТТАЕВА Д.Р., НАЖМИДДИНОВ Б.Б. ПРИМЕНЕНИЕ
ФАРГАЛС И ИММУНОКТА ПРИ КОМПЛЕКСНОМ ЛЕЧЕНИИ
ОДОНТОГЕННЫХ ОСТЕОМИЕЛИТОВ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ
ОБЛАСТИ.....233
42. ЭШБАДАЛОВ Х.Ю., ТЕШАБАЕВ М.Г., ТУЛАНОВ Д.Ш.,
НАЖМИДДИНОВ Б.Б., МАНСУРОВА П.Х., ХАЛИЛОВА Б.Р.
ИСПОЛЗОВАНИЕ НИТРОКСОЛИН СОДЕРЖАЩЕГО СОРБИРУЮЩЕГО
ДРЕНАЖА В КОМПЛЕКСНОМ ЛЕЧЕНИИ ПРИ ОСТРЫХ ГНОЙНО-

SUMMARY
IMPORTANCE OF PNEVMOPATIYA IN THE PERINATAL DEATH OF INFANTS.

Shodiev Gafur Barotovich., Kamalov Sherzod Shukuralievich., Khasanova Dilshoda Yunusovna., Karshiboev Khudoykul Atabaevich., Elmuradov Zamonali Esturdievich.

Tashkent Regional Branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination.

toshvilsteb@mail.ru

This article is devoted to the analysis of cases of perinatal death of infants in the practice of medical examiners of the regions of the Tashkent region in the period from 2016 to 2018. The necessity of a correct approach of experts to the formulation of a forensic medical diagnosis in these cases is especially noted.

УДК 614.074

**ЭКМА ЗАЪФАРОН (CROCUS SATIVUS L.) ХОМ АШЁСИНИ
МИКРОБИОЛОГИК ТОЗАЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**Шомахсудова Мархабо Одилхоновна¹, Тулаганов Абдуқодир
Абдурахмонович¹, Назирова Яйра Қосимовна¹, Эгамбердиева Гўзал
Алишер кизи².**

*А. Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий
тадқиқот институти., Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази*

abdukadir.uz@mail.ru

Калит сўзлар: экма аъфарон (CROCUS SATIVUS L.) гул тугунаклари, микробиологик тозалик кўрсаткичлари, меъёрий хужжатлар, сақлаш шароити.

Кириш. Дунё бозорида 61 % доривор ўсимлик хом ашёси асосида олинган дори-дармонлар ташкил этади.

Ўзбекистонда ўсимликлар дунёси тур таркибининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор қонуни ва қарорлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 август 222-сонли мажлиси баёнининг 3-бандида кўрсатилган-Доривор ўсимликшунослик ва янги дори воситаларни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор ўсимликларни саноат миқёсида плантацияларини яратиш, 2014 йил 17 февралдаги №40 сонли “Ўзбекистон Республикаси қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашда. Барча давлат бошқаруви раҳбарларининг роли, шахсий маъсулияти ва жавобгарлиги тўғрисида” мажлис баённомасининг 19-банди ва 2015 йил 2 январдаги 5-сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озуқабоп ўсимликлар хом-ашёсини

етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида” мажлис баённомаси 1.12-банди ижросини таъминлаш ва фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш ва улардан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш технологияларини яратиш янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш жараёнларини чуқурлаштиришга имкон беради. таъминланадиган сифат, хавфсизлик ва самарадорликни таъминлаш вазифа қилиб берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги ЭДО-03/1-421-сон “Республикамизда заъфарон (шафран) плантацияларини барпо этиш, фармацевтика саноати эҳтиёжларини таъминлаш ва экспортбоп доривор ўсимликларни кўпайтиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижросини мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги 114-йиғилиш баёни қарорига мувофиқ “ШАФРАН” МЧЖ таъсис этилганлиги маҳаллий шароитда етиштирилган экма заъфарон ўсимлиги асосида харидоргир дори воситаларини амалиётга татбиқ этиш имконияти ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фармакологик тадқиқотлар экма заъфарон (*CROCUS SATIVUS L.*) доривор ўсимлигининг кучли саратонга қарши, бош мия фаолиятини, хотирани яхшилаб, сийдик йўллари касалликларини даволаш ва жигар фаолиятини яхшилашда, шунингдек, самарали антиоксидант таъсирга эга.

Бевосита ноотроп -нейрометаболик стимуляторлар таъсирга эга дори воситалари юқори руҳий функцияларга ўзига хос таъсир кўрсатишга мўлжалланган бўлиб, ақлий фаолиятни рағбатлантириш, когнитив функцияларни фаоллаштириш, хотирани яхшилаш ва ўрганиш қобилиятини оширишга қодир. Ноотропиклар мияга бўлган турли хил зарарли таъсирларга, масалан, ҳаддан ташқари стресс ёки гипоксия таъсирига чидамлилигини оширади. Ноотроп хусусиятга эга фитопрепаратлар нафақат хавфсиз ва юқори самарали, балки барқарор, меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган чегараларда ўз хусусиятлари, фаоллигинини сақлаб туриши лозим. [1,2].

Тадқиқотнинг мақсади - Экма заъфарон (*CROCUS SATIVUS L.*) ўсимлиги хом ашёсининг сифат кўрсаткичларини унинг микробиологик тозаллиги бўйича ўрганиш ва сақлаш шароитларини белгилашдир.

Тадқиқот материаллари ва усуллари.

Тадқиқот объекти сифатида, 2019 йил ноябрь ойида республикада етиштирилган Экма заъфарон (*CROCUS SATIVUS L.*) ўсимлиги хом ашёси-гул тугунаклардан фойдаланилди.

Микробиологик тозалликни ўрганиш бўйича тажрибаларда фармакопоя усуллари ва меъёрлаштирилган усуллар ва микроорганизмлар тест-штаммларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди [3,4]. Ушбу материаллар рўйхати жадвал 1 да келтирилган.

Тажрибада қўлланиладиган микроорганизмлар тест-штамmlари

Микроорганизмлар номи	Штамм рақамлари
<i>Bacillus subtilis</i>	ГКПМ 010011, АТСС 6633
<i>Bacillus cereus</i>	ГКПМ 010014, АЦС 10702
<i>Escherichia coli</i>	ГКПМ 240533, АТСС 25922, АЦС 8739
<i>Salmonella enterica</i> subsp. <i>enterica</i> serovar abony (прежнее название <i>Salmonella abony</i>)	ГКПМ 100329, ИНЕ* 103/39, NCTC 6017, СІР 80.39
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	ГКПМ 190155, АТСС 9027
<i>Staphylococcus aureus</i>	ГКПМ 201108, АТСС 6538
<i>Staphylococcus epidermidis</i>	ГКПМ 202001, АЦС 14990 ГКПМ 202004, АЦС 12228
<i>Candida albicans</i>	ГКПМ 303903, ГКПМ 303901, РКПГУ401/NCTC 885-653, АЦС 10231, NCPF 3179
<i>Aspergillus brasiliensis</i> (прежнее название <i>Aspergillus niger</i>)	ВКМ F1119, АЦС 9642, АЦС 16404, NCPF2275 РКПГF106

Бунда ўсимликларни озукавий муҳитда инкубация қилиш учун бактериялар учун стандарт ҳарорат ($32,5 \pm 2,5$)°C эканлиги, аэроб микроорганизмларнинг умумий сони 1 г да 105 КОЕ дан ошмаслиги, замбуруғ ва моғорларнинг умумий микдори 1 г да 104 КОЕ дан ошмаслиги ва ўтга чидамли Энтеробактериалар - 1г да 103 КОЕ дан ошмаслиги, 1 г намунада *Escherichia coli* ва 25 г намунада *Salmonella* бактериялари кузатилмаслиги лозимлиги ҳисобга олинди. Тажрибалар стерил асбоблар билан кадоқ жиҳозини очиб, улардан тенг микдор олиб, аралаштириш ва стерил идишга ўтказиш билан бошланди. Аэроб микроорганизмлар ва

замбуруғларни микдорий аниқлаш учун оғирлиги 2,0 г (ўтин, барглар, гуллар ва бошқалар) бўлган намуналар сув шимиш коэффициенти юқори бўлган стерил идишга ўтказилди. Намуна солинган идишга 200 мл стерил 0,9% натрий хлорид эритмаси солинди. Синов намунаси бўлган колба 15 дақиқа давомида магнит аралаштиргичда аралаштирилди. Олинган суюқлик 1:100 нисбатда суюлтирилди. Аэроб бактерия ва замбуруғларни микдорий аниқлаш пластинка агар усули билан амалга оширилди. Усул моҳияти: 90 мм диаметрли стерил Петри идишида таҳлил учун тайёрланган 1 мл синов намунаси куйидаги усулда тайёрланди- 15-20 мл эритилган ва совутилган ($42,5 \pm 2,5$) ° С ҳароратда стерил озуқа муҳитига қўшилган аралашма таркибидаги агар қаттиқлашгандан сўнг, пластинкалар маҳкамланиб, инкубақия қилинди.

Натижалар ва улар муҳокамаси

Колониялар 48-72 соатдан кейин (дастлабки натижа) ва 5 кундан кейин (яқуний натижа) ҳисобга олинади. Ишончли натижалар олиш учун бактериялар колониялари сони 250 дан ошмаган, кўзиқорин колониялари эса – 50 бўлган намуналар танлаб олинди. Кейинги 2 марта суюлтириш натижаларини ҳисобга олганда, пластинкалардаги колониялар сони юқорида кўрсатилган чегаралар ичида бўлса, унча катта бўлмаган суюлтириш натижалари ҳисобланади. 1 г ёки 1 мл микроорганизмлар сони (Н) куйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$N = \frac{\sum c}{n} \cdot d \cdot 10^x$$

бу ерда[^]

c - барча Петри косачаларидаги колониялар сони;

n - Петри идишларининг сони;

d - намунани суюлтириш коэффициенти;

10^x - стаканга 0,1 мл ҳажмда экиш вақтидаги конверсия коэффициенти.

Ҳисоблаш жараёнида олинган натижалар жадвал 2 да келтирилган.

Жадвал №2

Экма заъфарон (*CROCUS SATIVUS L.*) ўсимлиги хом ашёсининг микробиологик таҳлили натижалари

т/р	МТХ бўйича меъёрлар	Олинган натижа	Хулоса
1	Аэроб бактериялар умумий сони 1г да 10^{-5} дан кўп бўлмаган	400 КОЕ	Талаб даражасида
2	Замбуруғларни умумий сони 1г да 10^{-4} дан кўп бўлмаган	2000 КОЕ	Талаб даражасида
3	Энтеробактериялар ва бошқа тур бактериялар сони 1г да 10^{-3} дан кўп бўлмаган	Кузатилмади	Талаб даражасида
4	<i>Escherichia coli</i> - 1г намунада қайд этилмади	Кузатилмади	Талаб даражасида
5	<i>Salmonella</i> -10 г намунада қайд этилмади	Кузатилмади	Талаб даражасида

Тегишли қоидаларга хом ашё сифатини баҳолаш мезонлари аниқланди ва республиканинг Давлат Фармакопеяси талабларига мувофиқ сифат спецификатсияси ишлаб чиқилди. Тажрибаларда фармакопея усуллари, тасдиқланган усуллар, тегишли микроорганизмлар тест-штаммларидан Ю реагентлари ва эритувчиларидан фойдаланилди. "Микробиологик тозалик" индикатори бўйича: яшовчан аэроб микроорганизмлар ва замбуруғларнинг умумий миқдори белгиланган нормалар доирасида, *Escherichia coli* бактерияси 1,0 г намунада топилмади. Назорат қилинадиган сифат параметрларида жиддий ўзгаришлар кузатилмади.

ХУЛОСА

Экма заъфарон (*CROCUS SATIVUS L.*) доривор ўсимлиги хом ашёсигул тугунаклари барқарорлигини ўрганиш кўрсаткичлари реал вақт режимида назорат қилинадиган сифат параметрларидан бири – микробиологик тозалигида ўзгаришлар аниқланмади, барча тегишли сон кўрсаткичлари тартибга солинадиган меъёрлардадир. Ушбу босқичда узок муддатли барқарорлик тадқиқотлари давом этмоқда

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тулаганов А.А. ва б. Зафарон (*CROCUS SATIVUS L.*) ўсимлигининг этиштириш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш.- Фармацевтический вестник Узбекистана, 2018, № 3, с. 44-46
2. Крамова В.А. Фармакогносическая изучение и стандартизация сборов, брикетов, растительных порошков. - Автореф. дис. док.ф.наук. - М., 1999. 42с
3. Макарян А.А. Современные состояние стандартизации лекарственного растительного сырья и получаемых из него фитопрепаратов . М., 2004 34с
29. 4. Государственная фармакопея СССР. - изд. XI- Медицина 1990.-Вып. 1.400с.
5. МЗ. РФ.: Стандарты качества лекарственных средств. Основные положения ОСТ 91500.05.001-00. Дата введения 01.03.2000 г-М., 54с

РЕЗЮМЕ

ИЗУЧЕНИЕ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ЧИСТОТЫ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ ШАФРАНА ПОСЕВНОГО (*CROCUS SATIVUS L.*)

Шомахсудова Мархабо Одилхоновна., Тулаганов Абдуқодир Абдурахмонович., Назирова Яйра Қосимовна., Эгамбердиева Гўзал Алишер қизи.

Узбекский химико-фармацевтический научно-исследовательский институт им. А.Султонова., Научный центр стандартизации лекарственных средств

abdukadir.uz@mail.ru

ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



№ 2
2020